

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Худойназаров Фахритдин Хаитович

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети

2-босқич магистранти

+998972441967

faxriolam@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда кичик бизнесни рақамлаштириш жараёнлари таҳлил қилинган. Рақамли технологиялардан фойдаланишнинг назарий асослари ва амалий аҳамияти ёритилган. “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар ўрганилган. Жанубий Корея ва Сингапур каби давлатларнинг илгор тажрибалари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда кичик бизнесни рақамлаштиришнинг ҳозирги ҳолати, эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар аниқланган. Рақамли технологияларни жорий этишнинг асосий афзалликлари ва имкониятлари кўрсатилган. Кичик бизнесни рақамлаштиришни янада ривожлантириш бўйича инфратузилмавий, институционал ва молиявий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, рақамлаштириш, рақамли технологиялар, электрон тижорат, рақамли инфратузилма, инновациялар, рақамли трансформация, электрон ҳукумат, рақобатбардошлик, самарадорлик.

ПУТИ РАЗВИТИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО БИЗНЕСА НА ОСНОВЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Худайназаров Фахритдин Хайтович

Термезский университет экономики и сервиса

магистрант 2-го курса

+998972441967

faxriolam@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются процессы цифровизации малого бизнеса в Узбекистане. Освещены теоретические основы и практическая значимость использования цифровых технологий. Изучены реформы, реализуемые в рамках стратегии «Цифровой Узбекистан-2030». Проанализирован передовой опыт таких стран, как Южная Корея и Сингапур. Выявлены текущее состояние

цифровизации малого бизнеса в Узбекистане, достижения и существующие проблемы. Показаны основные преимущества и возможности внедрения цифровых технологий. Разработаны инфраструктурные, институциональные и финансовые предложения по дальнейшему развитию цифровизации малого бизнеса.

Ключевые слова: малый бизнес, цифровизация, цифровые технологии, электронная коммерция, цифровая инфраструктура, инновации, цифровая трансформация, электронное правительство, конкурентоспособность, эффективность.

WAYS OF DEVELOPING SMALL BUSINESS ENTITIES' ACTIVITIES BASED ON DIGITAL TECHNOLOGIES

Khudaynazarov Fakhritdin Khaitovich

Termez University of Economics and Service

2 st year master's student

+998972441967

faxriolam@gmail.com

ABSTRACT

The article analyzes the digitalization processes of small businesses in Uzbekistan. The theoretical foundations and practical significance of the use of digital technologies are covered. The reforms implemented within the framework of the "Digital Uzbekistan-2030" strategy have been studied. The advanced experiences of countries such as South Korea and Singapore have been analyzed. The current state of small business digitalization in Uzbekistan, achievements and existing problems have been identified. The main advantages and opportunities of implementing digital technologies are shown. Infrastructure, institutional and financial proposals have been developed for the further development of small business digitalization.

Keywords: small business, digitalization, digital technologies, e-commerce, digital infrastructure, innovations, digital transformation, e-government, competitiveness, efficiency.

КИРИШ

Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши жаҳон иқтисодиётининг барча соҳаларига, жумладан кичик бизнес фаолиятига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда кичик бизнес субъектларининг рақобатбардошлиги ва барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан уларнинг рақамли технологияларни қўллаш даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Рақамли технологиялар кичик бизнес учун янги имкониятлар яратиб, уларнинг операцион самарадорлигини ошириш, харажатларини камайитириш ва янги бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтормоқда.

Ўзбекистонда “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида кичик бизнесни рақамлаштириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Халқаро тажриба кўрсатишича, рақамли технологияларни самарали қўллаётган кичик корхоналар юқори рақобатбардошлик ва барқарор ўсиш кўрсаткичларига эришмоқда. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 53.8 фоизни ташкил этиб, уни рақамлаштириш орқали бу кўрсаткични янада ошириш имконияти мавжуд.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини рақамлаштириш жараёнларини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- кичик бизнесни рақамлаштиришнинг назарий асосларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда кичик бизнеснинг рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни таҳлил қилиш;
- халқаро тажрибани ўрганиш;
- мавжуд муаммоларни аниқлаш;
- ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти – илмий ишда келтирилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистонда кичик бизнеснинг рақамлаштириш жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Рақамли технологиялар асосида кичик бизнес субъектларини ривожлантириш масаласи замонавий иқтисодиётнинг долзарб мавзуларидан бирига айланган. Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили қуйидаги асосий йўналишларни аниқлаш имконини беради.

Рақамли трансформация кичик бизнес субъектларининг рақобатбардошлиги ва операцион самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида эътироф этилган. Бу жараён нафақат янги технологияларни жорий этишни, балки ташкилий маданият ва стратегияда туб ўзгаришларни ҳам талаб этади. Натижада, ишлаб чиқариш самарадорлиги сезиларли даражада яхшиланиб, инновациялар рағбатлантирилади [1].

Рақамли маркетинг стратегияларини жорий этиш орқали кичик бизнес анъанавий маркетинг усулларига нисбатан кенгроқ аудиторияга чиқиш ва

мақсадли сегментлар билан самаралироқ мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади.[2] Бунда ижтимоий тармоқлар ва рақамли рекламаларнинг интеграцияси алоҳида аҳамият касб этади.[3] Таҳлил воситаларидан фойдаланиш эса мижозлар талабларини чуқурроқ тушуниш, шахсийлаштирилган маркетинг ёндашувларини амалга ошириш имконини беради. [4]

Иш бошқариш масаласи кичик бизнеснинг рақамли трансформациясида муҳим ўрин тутди. Тадқиқотлар кўрсатишича, тадбиркорлик раҳбарлари ўзгаришлар ва инновацияларни қабул қиладиган маданиятни шакллантириши, рақамли имкониятларни бизнес мақсадлари билан мувофиқлаштириши зарур. [5] Бу мувофиқлаштириш жараёни нафақат операцион самарадорликни оширади, балки бозор талабларига тезроқ жавоб бера оладиган янги бизнес моделларни ривожлантиришга хизмат қилади. [3, 9, 10]

Рақамли трансформация жараёни бир қатор босқичларни ўз ичига олади. Булар: рақамли технологияларни жорий этиш, бизнес жараёнларини мослаштириш ва малака етишмовчилигини бошқариш.[6] Шу боис, ходимларнинг рақамли саводхонлигини ошириш ва ўқитишга сармоя киритиш алоҳида аҳамият касб этади. [7, 11] Бундай сармоя нафақат ходимлар салоҳиятини, балки умумий бизнес кўрсаткичлари ва инновацион фаолиятни ҳам оширади. [4]

Ташқи ҳамкорлик ва тармоқларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланади. Рақамли тармоқларга қўшилиш орқали кичик бизнес етказиб берувчилар ва мижозлар билан муносабатларни ривожлантириб, инновацияларни рағбатлантириши ва операцион самарадорликни ошириши мумкин. [8] Бу эса ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштиришга, пировардида бизнеснинг ўсишига олиб келади. [5]

Ўзбекистонлик тадқиқотчилар ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, Ж.Ж. Эргашев ва Б.М. Акбаров кичик бизнесни ривожлантиришда давлат сиёсатининг аҳамияти ҳамда рақамли технологияларнинг замонавий ролини тадқиқ этганлар. [12] Д.И. Рўзиева кичик бизнес субъектларининг рақамли иқтисодиётга интеграция жараёнлари ва истиқболларини ўрганган.[13] М.Э. Тоджимаматова эса кичик бизнеснинг рақамли технологиялардан фойдаланиб инвестицияларни жалб қилиш масалаларига эътибор қаратган. [14]

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси томонидан жорий этилган “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегик дастури ахборот-коммуникация

технологияларининг интеграциясини иқтисодийнинг кўп тармоқли соҳаларида оптималлаштиришга қаратилган. Мазкур стратегия доирасида давлат бошқаруви органлари хўжалик юритувчи субъектларнинг рақамли инновацион фаолиятини стимуллаштириш ва технологик тадқиқотларни рағбатлантиришга йўналтирилган комплекс қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш вазифасини белгилаб берди. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси мамлакатни рақамлаштириш жараёнини тезлаштиришга қаратилган. Унда иқтисодий, давлат бошқаруви ва ижтимоий соҳаларда рақамли технологияларни жорий қилиш, рақамли инфратузилмани яратиш, қонунчиликни такомиллаштириш ва IT-кадрларни тайёрлаш каби асосий йўналишлар белгилаб берилган. Стратегиянинг мақсади инновацияларни ривожлантириш, маъмурий жараёнларни соддалаштириш ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлар учун рақамли хизматларни кенгайтиришдир.[15]

Ушбу стратегия устуворликлари асосида Ўзбекистонда телекоммуникация тармоғини босқичма-босқич модернизация қилиш олиб борилмоқда. Электрон тижорат соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш мақсадида *e-tijorat.uz* электрон тижорат субъектларининг миллий реестри яратилди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Кичик ва ўрта бизнес ташқи бозор шароитларининг ўзгаришига тез жавоб бериши ва аҳолининг эҳтиёжларини қондириши мумкин. Давлати томонидан ҳудудларда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш механизмларини янада кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, бу эса кичик ва ўрта бизнес учун қўшимча рағбат бўлиб хизмат қилади. Ҳудудларда амалга оширилаётган тадбиркорлик лойиҳаларини самарали молиявий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тадбиркорлик ташаббусларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширишни таъминлаш долзарб масала сифатида кўриб чиқилмоқда. Бу жараёнда молиявий ресурсларни оқилона тақсимлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳолатига назар солсак, Жанубий Корея тажрибаси алоҳида эътиборга молик. Мамлакат “*Digital New Deal*” дастури доирасида 2025 йилгача 58.2 триллион вон (ҳукумат харажатлари: 44.8 триллион вон) маблағ сарфлаб, 2025 йилгача 903,000 та янги иш ўрни яратишни режалаштирган.[16] Дастурнинг асосий йўналишлари, 5G тармоқларини ривожлантириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, “Ақлли шаҳар” лойиҳаларини амалга оширишдан иборат. 2022-йилда Кореянинг деярли 95% ҳудудларида 5G тармоғи ишга тушди.

Сингапурда “Smart Nation” лойиҳаси доирасида, кичик ва ўрта бизнеснинг 95% га рақамли платформалари яратилган. 2024 йилда техник мутахассислар сони 95% гача ўсди. Корхоналарнинг 95% PayNow тўловни қабул қилади, 97% эса тизимда рўйхатдан ўтган. [17]

Ўзбекистонда рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳолатини қуйидаги жадвалдан таҳлил қиламиз.

Ўзбекистоннинг рақамли технологиялардан фойдаланиш кўрсаткичлари.1-жадвал

Мамлакатлар	Интернетдан фойдаланувчилар % ҳисобида	Кенг поласал и симли интернет (Хар 100 кишига)	Мобил интернет % ҳисобида	Ойлик мобил интернет GB ҳисобида	Рақамли тўлов % ҳисобида	ID карталарига эга 15 ёшдан катта аҳоли % ҳисобида	БМТнинг электрон ҳукумат индекси
Ўзбекистон	77	26	46	4,4	42	92	0,73
Туркия	83	22	75	10,7	68	96	0,80
Вьетнам	79	22	56	9,2	46	97	0,68
Туркменистон	21	6	40		34		0,48
Уганда	10	0	25	0,7	63	73	0,44

Манба: Муаллиф томонидан Жаҳон банки ҳисоботи асосида тузилган.

Юқоридаги 1-жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон аҳолисининг 77% интернетдан фойдаланади,хар 100 кишига 26 та симли кенг поласали интернет уланган,мобил интернетдан фойдаланувчилар улуши 46%ни ташкил этади,ойлик мобил интернет трафиғи ҳар киши учун 4.4 гигабайтни ташкил этади,аҳолининг 42% рақамли тўловлардан фойдаланади,15 ёшдан катта аҳолининг 92%и ID карталарига эга,БМТнинг электрон ҳукумат индекси бўйича Ўзбекистоннинг кўрсаткичи 0.73 ни ташкил этади. Туркия юқори кўрсаткичларга , Туркменистон ва Уганда аксарият кўрсаткичлар бўйича паст натижаларга эга.Ўзбекистоннинг кучли томонлари,кенг поласали интернет (26 киши/100 киши) - энг юқори кўрсаткич, ID карталарнинг юқори қамрови (92%), ривожланиш керак бўлган йўналишлар, мобил интернет қамрови (46%),ойлик мобил трафик ҳажми (4.4 GB),рақамли тўловлар (42%)ташкил этади.[18]

БМТнинг электрон ҳукуматлар ривожланиш даражаси бўйича рейтингда 6 поғона юқорилаб, 193 давлат орасида 63-ўринни эгаллади. Ўзбекистоннинг электрон ҳукуматнинг ривожланиш индекси (E-Government Development Index, EGDI) 0,79 ни (2022 йилда — 0,72) ташкил этди. Ушбу рейтинг пешқадами Дания бўлиб, унинг кўрсаткичи — 0,98. Осиё мамлакатлари орасида пешқадам Жанубий Корея, Сингапур, Саудия Арабистони — 0,96. Қозоғистон эса

Марказий Осиё минтақасида пешқадамга айланган — 0,90 (2022 йилда — 0,86). [19]

Рақамлаштириш туфайли халқаро бозорларга кириш имкониятлари кенгайиши ва харидорларнинг ўзбек ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига бўлган талаби ортиши сабабли сотув ҳажми сезиларли даражада ўсиши мумкин. Мисол учун, 2024 йилда Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнеснинг экспорт ҳажми 6229,3 млн АҚШ долларини ташкил этди ва 2021 йилга (3335,2 млн АҚШ доллари) нисбатан 1,87 баробарга ошди. [20]

Рақамлаштириш - кичик бизнеснинг рақобатбардошлик устунлигини ошириш орқали харажатларни камайтириш воситаларидан бири бўлиб, бу қулай бизнес муҳитини шакллантириш ва жаҳонда бизнес муҳити ривожланишининг асосий кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистоннинг ижобий имижини талаб қилади.

Кичик бизнес ва умуман бизнес муҳитини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлган Бизнес Эркинлиги субиндекси бизнесни бошлаш, юритиш ва ёпиш имкониятларини акс эттиради, тадбиркорларга умумий маъмурий юк даражасини, шунингдек, бизнес муҳитини тартибга солишда ҳукуматнинг самарадорлик даражасини кўрсатади. Сўнгги йилларда қўрилган чоратадбирлар туфайли Ўзбекистон дунёнинг 190 мамлакати орасида 69-ўринни эгаллаб, 7 поғонага кўтарилди. [21]

Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган кичик корхона ва микро - фирмалар сони 2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 399 000 мингтани ташкил этади. Ҳар 1000 аҳолига кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 13,2 бирликни ташкил қилди. Уларнинг ЯИМдаги улуши 2024 йилнинг январь-сентябрида 53,8 % ни ташкил қилиб, 2023 йилнинг тегишли даврига нисбатан 0,1 пунктга ортган. [22] Бунга кичик бизнеснинг салоҳиятини оширишга қаратилган чоратадбирларнинг жорий этилиши ёрдам берди. Бу кичик бизнесни ривожлантиришнинг янги стратегиясига қаратилган рақамлаштириш усуллари муваффақиятли амалга ошириш учун асосий талаблардан биридир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган, Халқаро Савдо Маркази (ИТС)нинг техник ёрдами ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (UNCTAD)нинг қўшимча ёрдами ҳамда Европа Иттифоқи (ЕИ) томонидан молиялаштирилган “Uzbekistan Trade Info” платформаси uztradeinfo.uz фаолият юритмоқда. Бошқа электрон савдо майдончалари фаолияти ҳам йўлга қўйилган, масалан, B2B тўқимачилик ишлаб чиқарувчилари учун uzbtextile.com ва бошқалар.

Уммон Инвестициялар Департаменти (UID) ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармаси (ЎзР ТТЖ) томонидан ташкил этилган УзОман қўшма инвестиция корхонаси ZOOD компаниясининг Ўзбекистондаги фаолиятига сармоя киритди. ZOOD – Ўзбекистон, Покистон, Ироқ ва Ливанда инновацион молиявий ечимларни таклиф этувчи илғор рақамли молиявий платформадир. [23]

Ўзбекистон IT лойиҳаларини молиялаштиришнинг янги шакллари (венчур молиялаштириш, краудфандинг, IPO, активларни токенлаштириш), венчур фондлари ва технопарклар яратиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ривожлантириш ҳамда рақамли маҳсулот ва хизматларни монетизация қилишни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратмоқда.

Аҳоли учун Интернетнинг фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида алоқа хизматлари нархлари изчил пасайтирилмоқда. Нарх ислохотлари туфайли Британиянинг Cable.co.uk порталининг дунёдаги мобиль интернет нархлари ҳақидаги маълумотларига кўра, Ўзбекистон 230 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллаб, бир йил ичида кўрсаткичларини 33 поғонага яхшилади. Натижада 1 GB мобиль интернетнинг ўртача нархи 0,6 АҚШ долларгача пасайди. [24]

Ўзбекистон Республикасининг минтақавий иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш мақсадида Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан мунтазам кузатув ишлари олиб борилмоқда. 2024 йил октябрь ойи маълумотларига кўра, асосий иқтисодий натижалар қуйидаги жадвалда қайд этилган:

Ўзбекистон ҳудудларининг тадбиркорлик фаъолияти кўрсаткичлари.2-жадвал

ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

ОКТАБРЬ 2024

СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ

Қорақалпоғистон Республикаси (18,9%)
Сурхондарё вилояти (15,4%)
Хоразм вилояти (12,1%)
Андижон вилояти (11,2%)

15,0%

БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ

Қашқадарё вилояти (2,2 марта)
Сирдарё вилояти (63,8%)
Бухоро вилояти (52,7%)
Жиззах вилояти (49,6%)

10,4%

ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ

Навоий вилояти (49,1%)
Хоразм вилояти (38,1%)
Қашқадарё вилояти (26,9%)
Сурхондарё вилояти (23,1%)

8,6%

КРЕДИТ БЕРИШ

Тошкент шаҳри (20,5%)
Тошкент вилояти (15,9%)
Қашқадарё вилояти (13,9%)
Фарғона вилояти (10,4%)

10,2%

ТОВАР БИРЖАСИ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси (67,9%)
Хоразм вилояти (66,7%)
Сурхондарё вилояти (57,8%)
Сирдарё вилояти (51,2%)

22,7%

ТАДБИРКОРЛИК ДЕМОГРАФИЯСИ

Тошкент шаҳри (14 119)

Хоразм (5 940)

Тошкент (5 834)

Самарқанд (5 566)

66 870

Манба: Муаллиф томонидан Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази ҳисоботи асосида тузилган.

2-жадвалдан кўриниб, турибдики: Солиқ тушумлари ҳажми ўтган даврга нисбатан 15 фоизга ошган. Божхона тўловлари бўйича тушумлар 10,4 фоизга ўсгани қайд этилган. Товарлар экспорти ҳажми 8,6 фоизга кўпайиш динамикасини кўрсатган. Ўзбекистон товар-хом ашё биржасидаги битимлар ҳажми эса 22,7 фоизга ортган. Шунингдек, ҳисобот даврида 66,8 минг янги

тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган. Бу кўрсаткич тадбиркорлик соҳасида ижобий ўсиш суръатларини намоён этмоқда.[25]

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ва самарадорлиги кўп жиҳатдан тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллиги ҳамда рақамли технологияларни ўзлаштириш даражасига боғлиқ. Бу борада давлатнинг асосий вазифаси:

✓ рақамли иқтисодиёт ривожланишини тартибга солувчи мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базани доимий такомиллаштириб бориш, бу жараёни мулоқот режимида ва амалиётда ҳуқуқий расмийлаштиришни талаб қиладиган ахборот-ҳуқуқий муносабатларнинг янги турдаги объект ва субъектлари билан тўқнаш қиладиган фойдаланувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш;

✓ электрон ҳукумат тизимини ва электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини ривожлантириш орқали муносабатларни рақамлаштиришнинг умумий жараёнида иштирокчи бўлиш;

✓ ташкилотларда ахборот тизимлари, электрон хизматларни жорий этишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, рақамли технологияларни ривожлантириш учун солиқ имтиёзлари, шунингдек чегаралараро онлайн савдони рағбатлантириш;

✓ кичик бизнесни киберхавфлардан ҳимоя қилишни таъминлаш;

✓ халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва кичик бизнес соҳасига илғор ахборот технологияларини жалб қилиш ва жорий этиш учун шароитлар яратиш.


✓ тадбиркорлик субъектлари учун қулай инфратузилма ва институционал муҳитни шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотлар натижасига кўра, рақамли технологияларни жорий этган кичик корхоналар қуйидаги афзалликларга эга бўлмоқда:

- ишлаб чиқаришда меҳнат самарадорлигини ошириш;
- компанияларнинг рақобатдошлигини ошириш;
- камбағалликни енгиш ва ижтимоий тенгсизликнинг йўқолиши. [26]

Рақамли технологиялар компьютер дастурлари ишини осонлаштиради. Оддий ишларни ўзи бажариб, кўпроқ вақт тежайди. Нархлар ошганда ҳам, харажатларни камайтиришга ёрдам беради. Ишчилар етишмаганда эса, уларнинг ўрнини босади.

Рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари.3-жадвал



Манба: Муаллиф томонидан илмий адабиётлар таҳлили асосида тузилган.

Юқоридаги 3-жадвалда, рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

1. Транспорт ҳаракатидаги тўхталишларни айтиб, етказиб беришда кечикишни олдини олади. Об-ҳаво хавфини билдириб, зарардан сақлайди.
2. Мижозлар ҳақидаги маълумотларни ўрганиб, фойдали тавсиялар тақдим этади.
3. Йиғилишларни режалаштиради, хатларни саралайди, эслатмалар қўяди.
4. Расм ва видеоларни таҳрирлайди, реклама матнлари ёзади, ижтимоий тармоқларда пост жойлайди.
5. Логотип яратишда, реклама режасини тузишда кўмаклашади.
6. Веб саҳифада саволларга жавоб беради, қўнғироқларни керакли бўлимга улайди. [30]

Рақамли технологиялардан фойдаланишнинг асосий афзаллиги - бизнес ҳамжамиятининг турли вакиллари ўртасида уларнинг ҳудудий мансублигидан қатъи назар ўзаро алоқаларни ўрнатишдир. Бу, айниқса, рақамли технологияларни жорий этишдан ўз фаолият доирасини кенгайтириш имкониятлари, шунингдек, инсон ресурсларини излаш ва кейинчалик масофадан туриб ишлаш имконияти нуқтаи назаридан кичик ва ўрта бизнес учун долзарбдир. Рақамли технологиялар тадбиркорларга самарали логистикани йўлга қўйиш имконини беради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Рақамлаштириш Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб, бу йўналишда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 53.8%га етгани, экспорт ҳажми 2021-2024 йиллар оралиғида 1.87 баробарга ошгани, рўйхатдан ўтган кичик корхона ва микрофирмалар сони 399,000 тага етгани ижобий натижа ҳисобланади.

Давлат томонидан “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида телекоммуникация тармоғини модернизация қилиниши, электрон тижорат платформалари (e-tijorat.uz, uztradeinfo.uz) яратилиши, Интернет хизматлари нархларининг пасайтирилиши каби муҳим ишлар амалга оширилган.

Умуман олганда, Ўзбекистонда кичик бизнеснинг рақамлаштирилиши ижобий динамикага эга бўлиб, бу соҳада давлат томонидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ, ҳали ҳам рақамли инфратузилмани ривожлантириш ва рақамли хизматлар қамровини кенгайтириш борасида баъзи

ишлар қилиниши зарур. Келажакда ривожланиш учун давлат олдида турган асосий вазифалар:

- Меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш
- Электрон ҳукумат хизматларини кенгайтириш
- Киберхавфсизликни таъминлаш
- Халқаро ҳамкорликни кучайтириш
- Инфратузилма ва институционал муҳитни яхшилаш

Ушбу таклифларни амалга ошириш орқали Ўзбекистонда кичик бизнеснинг рақамлаштирилиш даражасини сезиларли равишда ошириш ва халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Azieva, R.* (2021). Assessing the readiness of oil and gas companies for digital transformation. <https://doi.org/10.15405/epsbs.2021.11.244>
2. *Chen, C., Lin, Y., Chen, W., Chao, C., & Pandia, H.* (2021). Role of government to enhance digital transformation in small service business. *Sustainability*, 13(3), 1028. <https://doi.org/10.3390/su13031028>
3. *Bouncken, R., Kraus, S., & Roig-Tierno, N.* (2019). Knowledge- and innovation-based business models for future growth: digitalized business models and portfolio considerations. *Review of Managerial Science*, 15(1), 1-14. <https://doi.org/10.1007/s11846-019-00366-z>
4. *Abimanyu, A.* (2023). The influence of locus of control and need for achievement on digital business transformation and mediation of digital literacy., 16-27. https://doi.org/10.2991/978-94-6463-240-8_4
5. *Трысова, H., Yeremenko, D., Karman, S., Kolokolchikova, I., & Skrypnyk, S.* (2021). Digitalization of investment-innovative activities of the trade business entities in network it-system. *Studies of Applied Economics*, 39(5). <https://doi.org/10.25115/eea.v39i5.4912>
6. *Anim-Yeboah, S., Boateng, R., Odoom, R., & Kolog, E.* (2020). Digital transformation process and the capability and capacity implications for small and medium enterprises. *International Journal of E-Entrepreneurship and Innovation*, 10(2), 26-44. <https://doi.org/10.4018/ijeei.2020070102>
7. *Erlanitasari, Y., Rahmanto, A., & Wijaya, M.* (2020). Digital economic literacy micro, small and medium enterprises (smes) go online. *Informasi*, 49(2), 145-156. <https://doi.org/10.21831/informasi.v49i2.27827>

8. *Li, Y. and Fei, G.* (2023). Network embeddedness, digital transformation, and enterprise performance—the moderating effect of top managerial cognition. *Frontiers in Psychology*, 14. <https://doi.org/10.3389/fpsyg.2023.1098974>
9. *Khin, S. and Ho, T.* (2019). Digital technology, digital capability and organizational performance. *International Journal of Innovation Science*, 11(2), 177-195. <https://doi.org/10.1108/ijis-08-2018-0083>
10. *Saarikko, T., Westergren, U., & Blomquist, T.* (2020). Digital transformation: five recommendations for the digitally conscious firm. *Business Horizons*, 63(6), 825-839. <https://doi.org/10.1016/j.bushor.2020.07.005>
11. *Nurlina, N., Rosa, Y., & Yanti, B.* (2023). The effect of digital literacy and business strategy on the performance of micro, small, and medium enterprises (msmes) in culinary industry in padang city. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 38(2), 252. <https://doi.org/10.52155/ijpsat.v38.2.5291>
12. *Ж.Ж. Эргашев, Б.М. Акбаров.* “Республикада кичик бизнес соҳасини истиқболдаги ривожланишида давлат сиёсати” <https://bestpublication.org/index.php/sit/article/download/11923/11827>
13. *Д.И.Рўзиева.* “Рақамли иқтисодиёт: рақамли технологияларга асосланган кичик бизнес субъектлари фаолияти” <https://cyberleninka.ru/article/n/ra-amli-i-tisodiyot-ra-amli-tehnologiyalarga-asoslangan-kichik-biznes-subektlari-faoliyati/viewer>
14. *М.Э. Тоджумаматова* .“Рақамли иқтисодиётда кичик бизнесни бошқаришнинг инвестицион фаоллигини ошириш” <https://cyberleninka.ru/article/n/ra-amli-i-tisodiyotda-kichik-biznesni-bosh-arishning-investitsion-faolligini-oshirish/viewer>
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиqlаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида <https://lex.uz/docs/5030957>
16. Ministry of Science and ICT of South Korea (2020). Digital New Deal 2025.Seoul:MSITPublications. <https://www.msit.go.kr/eng/bbs/view.do?sCode=eng&mId=4&mPid=2&bbsSeqNo=42&nttSeqNo=443>
17. Smart Nation and Digital Government Office (2023). Smart Nation Singapore Strategic Report 2025. Singapore: SNDGO. <https://file.go.gov.sg/smartnation2-report.pdf>
18. Digital Progress and Trends Report 2023. <https://www.worldbank.org/en/publication/digital-progress-and-trends-report>

19. Ўзбекистон электрон ҳукуматлар рейтингида 63-ўринни эгаллади.
<https://www.gazeta.uz/uz/2024/09/19/e-governments/>
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги;
https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_469.pdf
21. DoingBusiness2020.
<https://openknowledge.worldbank.org/server/api/core/bitstreams/75ea67f9-4bcb-5766-ada6-6963a992d64c/content>
22. Статистика агентлиги ахборотномаси. <https://stat.uz/files/461/choraklik-natijalar-yanvar-sentabr2024uz/3473/9-.pdf>
23. Молиявий интеграцияни кенгайтириш: UzOman Ўзбекистон Республикасидаги йирик рақамли молия платформаси бўлган ZOOD'га сармоя киритмоқда.
<https://daryo.uz/k/2023/06/26/moliyaviy-integratsiyani-kengaytirish-uzoman-ozbekiston-respublikasidagi-eng-yirik-raqamli-moliya-platformasi-bolgan-zoodga-sarmoya-kiritmoqda>
24. Ўзбекистон мобиль интернет нархлари арзонлиги бўйича 230 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади.
<https://evu.uz/uz/novosti/o-zbek-zbekiston-mobil-internet-narhlari-arzonligi-b-jicha-230-mamlakat-orasida-21-rinni-egalladi.html>
25. Ўзбекистон ҳудудларининг тадбиркорлик фаолияти ижобий динамикани кўрсатмоқда - CERR. <https://review.uz/oz/post/biznes-aktivnost-regionov-uzbekistana-pokazvaet-polojitelnuyu-dinamiku-ceir>
26. Гайбуллаев, С., & Анорбоева, Д. (2022). О'zbekistonda raqamli iqtisodiyotga o'tish muammolari. Новый Узбекистан: успешный международный опыт внедрения международных стандартов финансовой отчетности, 1(5), 236–238.
<https://doi.org/10.47689/STARS.university-5-pp236-238>
27. Худойназаров, Фахритдин. (2024). КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. 4. 10.47390/SPR1342V4I3Y2024N16.
28. Худойназаров, Фахритдин Хаитович (2024). КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН МУАММОЛАР. International scientific journal of Biruni, 3 (2), 245-265.
29. Худойназаров, Фахритдин. (2024). КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ

ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари / Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук / Actual Problems of Humanities and Social Sciences. 4. 10.47390/SPR1342V4I3Y2024N16. 30. <https://www.sba.gov/business-guide/manage-your-business/ai-small-business>